

Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Кун хизмати

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

*Ўйларинг сўзларингга,*
*сўзларинг феълингга,*
*феълинг тақдирингга*
*нуқс этади.*
*Гўзал ўйла, гўзал яша.*

**Жалолиддин Румий**

2020 йил 17 сентябрь• пайшанба • № 102 (4387)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz


# Сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 сентябрь куни сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Охирги 10 йилда, мисол учун, Ўзбекистонда сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган.

Пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат қилиняпти. Эгатлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда.

Бундай шароитда сувни тежаш ва ҳисобини юритиш ҳар доимгидан ҳам долзарб масалага айланди. Ўтган икки йилда Президент ва ҳукуматнинг шу соҳага доир 11 та қарори қабул қилиниб, ҳамма шароит яратиб берилди.

Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, бажарилган ишлар имконият даражасида эмас. Масалан, шу пайтгача 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу борада, айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида қолоқлик бор. Фурқат, Бўка, Чиноз, Сардоба, Тахтакўпир, Қораўзак, Касби, Қизириқ, Музработ туманларида сув тежовчи бирорта ҳам лойиҳа татбиқ қилинмаган.

Шу боис видеоселекторда сув хўжалигидаги ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар кесимида танқидий таҳлил қилиниб, галдаги муҳим вазифалар муҳокама этилди. Келгуси йилда сув тежовчи технологияларни жорий этишни 600 минг гектарга етказиш режа қилиб қўйилди. Бунинг учун давлат бюджетидан зарур маблағ йўналтириш, ташаббускорлар харажатининг бир қисмини қоплаш учун субсидия бериш, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари ресурсларини жалб қилиб, салоҳиятли фермер хўжаликлари ва кластерларга тижорат банклари орқали кредит ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Сув тежовчи технологиялар қамрови кенгайиши билан уларни ишлаб чиқаришга ҳам талаб ошади. Бироқ, юртимизда шунга ихтисослашган 13 та корхонанинг қуввати келгуси йил эҳтиёжининг ярмини қоплашга ҳам етмайди. Шу боис мутасаддиларга Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларида сув тежовчи технологиялар учун ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги яна бир инновация – кластерлар 3 минг гектардан зиёд экин майдонини лазер ёрдамида текислаш орқали сув сарфини 20-25 фоиз, ўғитни 15 фоиз тежашга, ҳосилдорликни камида 10 фоизга оширишга эришган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенг қўллаб, пахта, ғалла ва шоли майдонларини лазер ёрдамида текислаш муҳимлигини таъкидлади. Молия вазирлигига ушбу технологияни жорий қилишга Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан камида 250 миллиард сўм кредит ажратиш топширилди.

Жорий йилда Қуйи Чирчиқ, Нарпай, Булунғур, Сардоба, Нишон, Касби туманларида сув хўжалиги объектлари хусусий шериклик асосида тадбиркорларга берилиб, намунавий лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу орқали мазкур иншоотлар модернизация қилиниб, эксплуатация харажатлари анчайин қисқаради. Йиғилишда бундай лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Сув исрофига сабаб бўлаётган муаммолардан яна бири шуки, бугунги кунда 3 мингдан зиёд сув ўлчаш постларининг атиги 2 фоизи, 400 та йирик сув объектининг 2,5 фоизида бошқариш тизими автоматлашган, холос. Шу боис Сув хўжалиги вазирлигига йил якунигача 150 та, келгуси йилдан барча ўлчаш постларида сувни онлайн режимда назорат қилувчи автоматлашган тизим жорий этиш вазифаси юклатилди.

Маълумки, бу йилдан қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув солиғи бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоизга пасайтирилди. Президент ушбу камайтирилган ставкани келгуси йилда ҳам сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади.

Суғориш меъёрларини ҳисоблаш методикасини БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) талабларига мослаштириш, сув ҳисоблагичлар ўрнатган истеъмолчиларни рағбатлантириш юзасидан вазифалар белгиланди.

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига коллектор сувларида балиқчиликни ривожлантириш бўйича топшириқ берилди.

Наманган тажрибаси асосида гидрогеологик қидирувларни кенгайтириб, ерости сувларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда сув хўжалиги соҳасида фан ва таълимни ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Ирригация ва мелиорация объектларини барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш ишларига илмий ходимларни бириктириш муҳимлиги таъкидланди. Бу орқали фан намояндалари объектларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлашдан уларни фойдаланишга топширишгача бўлган жараёнларда қатнашиб, қурилиш ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиб боради. Фан ва амалиёт уйғунлиги таъминланиб, келгусидаги лойиҳалар пухта ишлаб чиқилишида қўл келади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ва туман ҳокимлари ахборот берди.

**ЎзА**



## КУН НАФАСИ



Давлатимиз раҳбари **Шавкат Мирзиёев** Мексика Қўшма Штатлари Президенти **Андрес Мануэль Лопес Обрадорни** Мустақиллик куни билан **табриклади.**

* * *



Президент **Шавкат Мирзиёев** Япония Либерал-демократик партияси етакчиси **Ёсихидэ Сугага** унинг мамлакат Бош вазири этиб сайлангани муносабати билан **табрик йўллади.**

* * *



Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири **Сардор Умурзоқов ва** Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири **Муҳаммад бин Абдулла ал-Гергави видеоконференция шаклида музокара ўтказишди.**

* * *



Ўзбекистон раислиги остида МДҲ мамлакатларининг **«Ишбилармонлик ташаббуслари ҳафталиги»** доирасида туризм бўйича онлайн форум ўтказилди.

* * *

**Мақсуд Рўзметов** Қишлоқ хўжалиги вазирининг Ерлардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

* * *



16 сентябрь – Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни муносабати билан **«Озон – ҳаёт учун!»** мавзусида ўтказилган **ижодий ишлар онлайн танлови** ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди**

# Мажбурий меҳнатга йўл йўқ



2



**Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йил қабул қилинган Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенциясига Баённома (Женева, 2014 йил 11 июнь) 2020 йил 16 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси учун кучга киради.**

**Мазкур Баённома Ўзбекистон томонидан 2019 йил 25 июндаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ратификация қилинган.**

**Баённома Конвенциядаги эскирган ва бугунги кун воқелигига жавоб бермайдиган бир неча қоидаларни чиқариб ташлаш ҳамда Конвенцияни мажбурий меҳнат мақсадидаги одам савдоси каби иллатга қарши самарали курашишга имкон берувчи нормалар билан тўлдириш мақсадида қабул қилинган.**

**Ушбу ҳужжат мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, мажбурий меҳнат қурбонларини ҳимоя қилиш ва ҳимоя воситаларидан фойдаланишни таъминлаш бўйича янги мажбуриятларни белгилайди, соҳадаги халқаро ҳуқуқий асосни мустаҳкамлайди.**



**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН**

**1092 –**

**қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Gall-center»га**

**меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.**

**Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишидан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.**

**Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациянинг доимий эътиборида!**





*Наманган вилояти*

Ҳуқуқ

# МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Наманган вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспекторига ҳозирга қадар жами 39 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 16 таси қаноатлантирилган, 18 тасига тушунтириш берилган, 5 таси эса айни пайтда иш юритувидаги мурожаатларни ташкил этади.**

Ўзбекистон темир йўллари компаниясига қарашли Поп тумани Чодак ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди ходими М.Сойибназаровнинг ишга кирганидан буён 2 йилдан кўп вақт ўтган бўлса-да, аммо иш жараёни билан боғлиқ тартиб-қоидага мувофиқ унинг разряди кўтарилмаган. Ходимнинг ушбу масала юзасидан иш берувчига қилган мурожаати эса эътиборсиз қолдирилган.

Ходимнинг мурожаати меҳнат ҳуқуқ инспектори Баҳром Раҳимбердиев томонидан ўрганилиб, муаммо ижобий ҳал этилди.

Наманган электр тармоқларига қарашли шифохона ходими Д.Тўрабоева иш берувчи томонидан асоссиз равишда ишдан бўшатилган. Меҳнат қонунчилигининг 111-моддасига кўра, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Бу ходимнинг ҳам ёзма мурожаати атрофлича ўрганилди ва у ишга қайта тикланди.

Уйчи тумани «Баркамол авлод» болалар спорт мактаби ходимлари Д.Маҳмудова ҳамда У.Инақовалар туғуруқ таътилида бўлиб турган муддатда ишга қайтишга ариза ёзишган, аммо негадир иш берувчи уларни ишга қабул қилмаган. Иш берувчига бу борада тегишли тушунтиришлар берилди ва ҳар икки аёл ўз ишига қайтди.



**Орзугул РУСТАМОВА,**
**«ISHONCH»**


**Келгуси сонларда ўқинг...**









Пахта – 2020

# Мажбурий меҳнатга йўл йўқ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «2020 йил пахта-йиғим терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Миллий мониторингни ўтказишга оид услубиёт, қайта алоқа механизми, касаба уюшмалари инспекцияларининг вазифалари ва ташкилий-техник масалалар» мавзуида халқаро онлайн семинар-тренинг ўтказди.**



Унда ҳар бир ҳудуддаги мониторинг гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари, ҳудудий касаба уюшмалари вакиллари, Халқаро Меҳнат ташкилоти экспертлари иштирок этди.

Халқаро семинар-тренингда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда пахта-йиғим теримида болалар меҳнатидан умуман фойдаланилмаяпти. Президентимиз ташаббуси билан мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам тизимли ишларни бажармоқда. Хусусан, мана бир неча йилдирки, фуқаролик жамияти инстутлари билан ҳамкорликда пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароитлар яратиш, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан миллий мониторинг ўтказиб келинмоқда.

***Тадбирда бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида асосий мақсад – пандемия шароитида санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда теримчиларга муносиб яшаш ва меҳнат шароитлари яратиб берилиши ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслигига эришиш экани қайд этилди.***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жорий йилда ўтказиладиган миллий мониторинг пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда ўтган йилларга нисбатан янада такомиллаштирилган ҳолда ташкил этилмоқда. Мазкур семинар-тренингнинг ҳам айнан Миллий мониторинг олдидан ташкил этилгани бежиз эмас. Чунки унда 2020 йил пахта-йиғим терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Миллий мониторингни ўтказишга оид услубиёт, қайта алоқа механизми ва касаба уюшмалари инспекцияларининг вазифалари батафсил тушунтирилиб, ташкилий-техник масалалар хусусида келишиб олинди.

Бу йил ҳам касаба уюшмалари томонидан пахта йиғим-терими мавсумида жамоатчилик назорати ва тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда. Хусусан, касаба уюшма ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари пахта йиғим-терими мавсуми олдидан жойлардаги масъулларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида ҳудудларда Халқаро меҳнат ташкилотининг махсус сертификатига эга бўлган касаба уюшмаси ўқитувчи-тренерлари иштирокида маҳаллий ҳокимликлар, фермерлар, маҳалла, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва иш берувчилар вакиллари учун «Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик» мавзуида онлайн семинарлар ўтказди.

Аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида мажбурий меҳнатнинг ноқонунийлиги, бунинг учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилангани, касаба уюшмаларининг «Ишонч телефони», миллий ва халқаро меҳнат стандартлари ҳақида ахборот тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириш билан бирга баннер, плакат ва флаерлар тайёрланиб, барча ҳудудлардаги туман марказларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда одамларга кўринадиган жойларга жойлаштирилди.

Халқаро онлайн семинар иштирокчилари 2020 йил пахта-йиғим терими мавсумини ташкил қилиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг йиғилиш баёнлари билан тасдиқланган «Пахта йиғим-теримини ташкил қилиш бўйича» вақтинчалик тартиб ва тавсиялар билан батафсил таништирилди. Жумладан, пахта йиғим-теримини тўғри ташкил этиш тартиби, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш мақсадида кўнгилли теримчилар ташкил этган бирлашган жамоа ҳисобланган терим отрядларини тузиш ва теримчилар жамоасини шакллантириш, терим отрядлари фаолиятини ташкил этиш, терим отряди раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилди. Ушбу тавсияларнинг пахта терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида муҳим қўлланма вазифасини ўташи алоҳида таъкидлаб ўтилди.

***2020 йил пахта-йиғим терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Миллий мониторингни ўтказишга оид услубиёт, қайта алоқа механизми ва касаба уюшмалари инспекцияларининг вазифалари батафсил тушунтирилиб, ташкилий-техник масалалар хусусида келишиб олинди.***

Тадбирда бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида асосий мақсад – пандемия шароитида санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда теримчиларга муносиб яшаш ва меҳнат шароитлари яратиб берилиши ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслигига эришиш экани қайд этилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Касаба уюшмалари Федерацияси фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда Миллий мониторинг ўтказиб, теримчиларнинг меҳнат шароитлари, уларга меҳнат ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, санитария, маиший шароитлар яратилиши ҳамда меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазасининг таъминланиши устидан касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини амалга оширади. Терим мавсумида теримчилар хавфсизлиги, транспорт ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги, теримда иштирок этувчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, дори-дармон билан таъминлаш, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши масалалари ҳам эътибордан четда қолмайди. Касаба уюшмалари Федерацияси қошида ташкил этилган аҳоли билан қайта алоқа механизми ҳам туну кун узлуксиз ишлайди. Таъкидлаш жоизки, бу йил янги ташкил этилган касаба уюшмалари Инспекцияси ҳам мазкур йўналишларда тизимли ишларни амалга оширди.

Онлайн семинар-тренингда касаба уюшмаларининг халқаро ҳамкорлари – Халқаро Меҳнат ташкилоти экспертлари Йонас Аструп ҳамда Анастасия Дубова иштирок этиб, Ўзбекистонда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилаётгани, айниқса, охирги йилларда пахта йиғим-терими мавсуми даврида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, хусусан, ижтимоий соҳа ходимларининг мажбурий меҳнатга жалб қилинишининг олдини олиш чоралари кучайтирилганини эътироф этишди. Мазкур жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фаол иштирок этаётгани ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан бир қаторда теримчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилишига катта ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди.

Онлайн семинар якунида барча иштирокчиларга теримчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш борасида тегишли тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати**

Бухоро вилояти

**Бухорода давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда меҳнат муносабатлари, мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.**

# Галдаги вазифалар

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳудудий комиссияси, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, қишлоқ хўжалиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари, тижорат банклари мутасаддилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши муносабати билан жойларда амалдаги меҳнат қонунчилиги меъёрлари бузилишининг олдини олиш масалалари, бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Таъкидландики, бултур вилоят бўйича жами ўн саккиз бор иш берувчи корхона ва ташкилотлар томонидан ходимларни уларнинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган юмушларга жалб қилиш ҳолатлари кузатилган. Шундан биттаси пахта терими билан боғлиқ. Аниқланган барча қонунбузарликлар учун тегишли тартибда жазо чоралари кўрилди. Жорий мавсумда бундай ҳолатларга умуман йўл қўймаслик мақсадида ўзаро ҳамкорликда олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини беряпти. Хусусан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари томонидан жойларда пахта йиғим-терими мавсуми олдидан Ўзбекистонда муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш, ХМТнинг ратификация қилинган конвенциялари ҳамда Халқаро меҳнат стандартлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган онлайн шаклдаги семинарлар ўтказилди.

Маълумки, бу йил ҳам «оқ олтин» йиғим-терими даврида мавсум давомида теримчилар учун шарт-шароит яратиш ва уни баҳолаш, болалар, ўқувчилар, талабалар, бюджет ташкилотлари ходимларининг мажбурий меҳнатидан, умуман, ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланишга йўл қўйилмаслик, бунинг учун жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан Миллий мониторинг ўтказилади. Миллий мониторинг гуруҳлари раҳбарлари рўйхати Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланиб, тегишли гуруҳ сентябрь ва октябрь ойида Бухоро вилоятида фаолият олиб боради. Ушбу муддат чоғида гуруҳ аъзолари вилоятнинг барча туман, шаҳарларига, жумладан, туман ҳокимликлари, фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар, таълим, тиббиёт муассасалари ҳамда бевосита пахта далаларига бориб, мониторинг ишларини юритишлари режалаштирилган.

Матбуот анжуманида турли соҳа вакиллари шу йилги йиғим-терим мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши, теримчилар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари, мавсумий ишчиларни йиғим-терим ишларига жалб этишда меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий риоя қилиш, фермер хўжаликлари, кластерларнинг иш берувчилари олдидаги вазифалари, жараёнда санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ амал қилиш бўйича батафсил ахборот беришди.



**Рустам ИБРОҲИМОВ, «ISHONCH»**

**Эътибор қиладиган бўлсак, охирги пайтларда турли ижтимоий тармоқлар, айниқса, «Facebook» орқали касаба уюшмалари фаолияти тўғрисида турли хил ноўрин ва нохолис фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, «Касаба уюшмалари ишламайди, меҳнаткашларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилмайди...» каби...**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲАММА ҲАМ БИЛАДИМИ?

## Ёхуд асоссиз отилаётган тошлар

Айрим ҳолларда ушбу тармоқлар орқали ўз фикрларини билдираётган айрим фойдаланувчилар ўз вақтида касаба уюшмасига ўзи ёки кимнингдир манфаатини кўзлаб, мурожаат қилган ҳолда бузилган ҳуқуқларини тиклай олмаган бўлиши мумкин.

Аммо бундай ҳолатда бутун тизимни эмас, айнан қайси ходим фуқароларнинг манфаатлари тикланишига нисбатан ноўрин ҳаракатлар қилгани, хатога йўл қўйган касаба уюшма ходими ёки мансабдор шахснинг кимлигини аниқ айтган ҳолда айб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Чунки касаба уюшмалари тизимида кадрлар сиёсати кейинги уч йилда қайтадан кўриб чиқилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, вилоят бирлашмалари ва тармоқ шаҳар ва туман кенгашларида тажрибали, билимли ва халқпарвар кадрлар ишламоқда.

Қайсидир корхона, ташкилот ва муассасада чуқур билимга эга бўлмаган, касаба уюшма ташкилоти вазифалари нималарда ифодаланишини тушунмайдиган ходимлар сайланган, раҳбар томонидан тайинланган касаба уюшма етакчиси фаолият юритаётган бўлса, у ерда нафақат ходимлар манфаати ҳимояланади, балки улар касаба уюшмалари тўғрисида тушунчага ҳам эга бўлмайди ва натижада касаба уюшмаларига нисбатан турли норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Агар ташкилот касаба уюшма қўмитаси раиси ёки ташкилотчиси, шу жумладан, иш берувчиси касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунлар, касаба уюшмалари устави ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, тегишли қонунлар билан таниш бўлиб, уларни корхона ҳаётига татбиқ қилган ҳолда фаолият кўрсатса, ходимлар манфаатлари ҳимояланган, ташкилотда келиб чиқаётган меҳнат низолари ташкилотнинг ўзида ҳал этилиб, бошқа ташкилотларнинг аралашуви ҳам талаб этилмаган ҳамда касаба уюшмаларига нисбатан норозиликлар келиб чиқмаган бўлар эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, агар касаба уюшмаларининг ўрта бўғин ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари мамлакатимиз, шу жумладан, касаба уюшмалари амалга ошираётган ишлар ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасаларда кенг ёритиб борилганда ҳамда ходимлар ҳаётига татбиқ этилганда, балки билдирилаётган ноўрин изоҳларни ўқиб, мулзам бўлмас эдик.

Ваҳоланки, кейинги йиллар қабул қилинаётган қонун, қарор ва фармонларнинг асосий қисми, давлат дастурлари Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга бағишланган бўлиб, унга ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам тегишли қарор ва дастурларни қабул қилиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Муносиб меҳнат – муносиб ҳаёт гарови бўлиши кафолатини таъминлашга интилаётган касаба уюшмалари ходимлар манфаатдорлик даражасини оширишга тинмай интилмоқда. Бундан беш йил аввал жамоа шартномаларида имтиёз ва афзалликларни кафолатловчи 80-92 та банд орқали ҳар бир ходимга иш берувчилар томонидан 600-650 сўм сарфлашган.

Биргина Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси саъй-ҳаракати билан шартномага киритилган кафиллик тадбирлари сони 115-120 тага етказилди. Бу эса ҳар бир ишловчига сарфланаётган маблағ миқдорини ўрта ҳисобда 2 миллион 599 минг 400 минг сўмгача оширишга эришилди. Давлат дастурлари ижросига 10 миллиард 168 миллион 640 минг сўм миқдоридаги маблағ сарфланди. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўтказилган меҳнат ярмаркаларида жамоат назорати ташкил этилиб, 50 минг нафардан ортиқ иш ахтараётганлар муносиб меҳнат ўринларига эга бўлишди.

Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси соҳаси вакилларининг билим ва кўникмаларини ошириш, такомиллашиб бораётган муҳофаза талабларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Касаба зиё» ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган қисқа даврда юзлаб жамоатчи-назоратчилар касб-малакаси оширилди. Туризмни ривожлантириш мақсадида «Касаба Самарқанд» сайёҳлик агентлигига асос солинди. Бу ташкилот ҳар йили ўртача 15 минг нафарга яқин ишчи-ходимларни ички туризм йўналишида саёҳатларга олиб бормоқда.

«Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори ижтимоий муҳофазага муҳтож инсонларга қўл келди. Касаба уюшмаларининг жамоатчилик назорати ва ташкилотчилиги асосида 2017 йилда Самарқанд вилоятида 30 нафар фуқаро уй-жой билан таъминланди. 160 та кам таъминланган оиланинг уй жойлари таъмирланди. 1776 та кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга маиший техника воситалари, 543 та оилага газ ва балон берилиб, 96 кишининг саломатлиги тикланди. 2018 йилда эса 35 та уй-жой қурилиб, 398 та оиланинг хонадонлари таъмирлаб берилди. 1120 та оилага маиший техника воситалари етказилди.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш дастур асосида амалга оширилмоқда. Касаба уюшмалари раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи жойларда вазиятни ўрганиб, холисона хулоса чиқарди.

Шу йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 1097 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 5305 та кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг 6478 та муаммоси аниқланди. Маҳаллий ҳокимликлар ва мутасаддилар кўмагида улар бирин-кетин ҳал этиб келинмоқда. Касаба уюшмалари кўмагида вилоятдаги 362 нафар хотин-қиз тикув машинаси билан таъминланди. 248 нафар аёлнинг уй-жойи таъмирлаб берилди. 129 нафар қийналган аёлга дори-дармон, 31 нафарига даволанишда кўмак кўрсатилди. Коммунал тўловдаги қарздорлиги бартараф этилганлар ва моддий ёрдам берилганлар ҳам оз эмас. Иссиқхона қуриб ва чорва моллари олиб берилганлар, сартарошлик, пазандалик учун зарур ашёларга эга бўлганлар ҳам анчагина.

Хуллас, ҳозиргача турмушимда муаммо бор деган аёлларга касаба уюшмалари томонидан 5 миллиард сўмлик кўмак кўрсатилиб, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Бундай мисолларни мамлакат миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, оламшумул ишларнинг гувоҳи бўламиз. Бироқ бу каби хайрли тадбирларнинг мазмун-моҳиятини касаба уюшмалари ходимлари тўлиқ очиб беролгани йўқ. Ана шу омил ҳам касаба уюшмаларига нисбатан норозилик билдирувчиларга қўл келмоқда.

Муносабат

Бунинг учун эса касаба уюшмаларининг асосий кучи бўлган ўрта ҳамда қуйи бўғинлари бўлган шаҳар, туман кенгашлари ва бевосита бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш зарур.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, касаба уюшмаларининг қуйи тизими ташкилотчилиги асосан жамоатчилик бошқарувига берилган, бошланғич ташкилотлар қўмита раис ва ташкилотчилари асосий ишидан ажралмаган ҳолда мутлақо ойлик маошсиз ишлашади. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ҳам худди шундай. Аммо зиммасидаги масъулият катта. Баъзи ҳолларда ходим манфаати учун иш берувчи билан зиддиятга бориб қолишига ҳам тўғри келади. Аксар ҳолларда унга қийин кечиши ҳам бор гап. Бундай ҳолатда ўз маъмурияти билан бир икки бор даҳанаки суришувдан сўнг ишдан кўнгли совиб, ўз ҳолига ташлаб қўядиганлар кўпаяди.

Агар бошланғич ташкилотлар раис ва ташкилотчиларига иш берувчи ҳисобидан моддий ва маънавий кўмак берилиб, уларнинг ходимлар манфаатини ҳимоялашга етарли вақт ажратилса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади. Қолаверса, бошланғич касаба уюшма ташкилотининг фаолияти ходимларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигига ҳам чамбарчас боғлиқ.

Мухтасар айтганда, касаба уюшмаларининг фаоллиги жамоатчиликнинг кенг қўллови билан амалга ошади. У жамоа ичидан сайланган вакил. Уни қўлласак, тили ҳам, қўли ҳам узун бўлади. Ахир, «қарс» икки қўлдан чиқади...

**Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси раиси



Жиззах вилояти

## Унутилаётган
# БУРЧ

**Жиззах вилоятидаги 550 та мактабнинг 103 тасида янги ўқув йили бошланди. Пахтакор туманидаги 6 та мактабда 894 нафар бошланғич синф ўқувчисига анъанавий тарзда дарслар ўтилмоқда.**

– 950 нафар ўқитувчининг 72 нафарида коронавирус касаллигининг аломатлари борлиги аниқланди, – дейди туман халқ таълими мудири Дилфуза Хайирқулова. – Улар дарҳол карантинга олинди.

31-умумтаълим мактаби тумандаги йирик таълим муассасаларидан бири. Бу ерда 847 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади.

– Мактабни қачон очиш тўғрисида ота-оналар ўртасида сўровнома ўтказдик, – дейди мактаб директори Ҳаётхон Абдужалилова. – 90 фоиздан ортиқ ота-она анъанавий усулда дарс ўтишни ёқлашди. Аммо пандемия сабабли уларнинг хоҳишини тўлиқ бажара олмаяпмиз. Ўқувчилар мактабни соғинган бўлса-да, айримлари белгиланган янги тартибларга риоя қилган ҳолда ўқишга мажбур.

Маълумки, мактабларни очиш тўғрисида қарор қабул қилиш халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига топширилган. Маҳаллай кенгашлар депутатлари бу масъулиятли қарорни қабул қилишдан аввал таълим муассасаларига бориб, ижтимоий масофа сақлаш учун йўлаклар чизилгани, ҳожатхона ҳолати, дезинфекция воситалари билан таъминлангани, қўл ювиш учун сув ва бошқа зарур воситалар мавжудлигини ўрганмоқда. Қайси муассаса белгиланган талабларга жавоб берса, дарс бошлашга рухсат берилаётир. Лекин Пахтакор туманида депутатлар мактаблардаги асл ҳолатни ўрганмасдан қарор чиқарган кўринади...

– Ўзини-ўзи яккалаш тамойилига асосан кўрадиган бўлсак, мактабимизда 1 нафар ўқувчига 2 квадрат метр жой ажратилиши керак, – дейди 31-умумтаълим мактаби директори Ҳаётхон Абдужалилова. – Лекин битта синфда 30-35 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Агарда синфни икки навбатга бўлиб ўқитсак, ўқитувчини қийнаб қўямиз. Чунки у бир дарсни икки маротаба ўтган бўлади. Бундан ташқари, унинг синфида онлайн ўқийдиган ўқувчилар ҳам бор. Демак, ўқитувчи бир кунда бир дарсни уч маротаба ўтади. Бу ўз-ўзидан таълим сифатининг бузилишига олиб келади. Шу билан бир қаторда унга қўшимча устама ҳам тўлаш зарур. Эндиликда ҳар дарсдан сўнг синфхоналар ҳавосини алмаштириб туриш зарурати туғилади. Бу борада фаррошларимизнинг вазифаси ҳам икки каррага ошади.

– Ҳозирда ҳар дарсдан сўнг синфхоналар хлорланган сув билан ювилмоқда, – дейди мактаб фарроши Гулноза Суюнова. – Тонг саҳардан кечгача ишлаяпман. Лекин атиги 590 минг сўм маош оламан.

Мактабга бириктирилган тиббиёт хонасидаги шароит ҳам ҳаминқадар. Унда биринчи ёрдам учун керакли дори-дармонлар бор. Бироқ ҳамшира Сарвиноз Мардиева санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ишлаб чиққан йўриқнома билан таниш эмас. Йўриқнома асосида иш юритиб, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг соғлиғига посбонлик қилиши керак бўлган ҳамшира берган саволларимизга мум тишлаб, ерга қарашдан бошқа чора топа олмади.

Бизга ҳамкорлик қилган туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходими Тошбуви Убайдуллаевадан бунинг сабабини сўраганимизда, тайинли жавоб олмадик.

Тумандаги 2-умумтаълим мактабидаги ҳолат ҳам шунга ўхшаш экан. Хуллас, 35-40 нафар ўқувчи ўқийдиган синфларда касаллик тарқалса, ким масъулиятни зиммасига олиши номаълум. Бу эса масалага жиддий ёндашилмаганидан далолат.

Президентимиз «Мактаб – бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак», деб таъкидлаган эди. Лекин Пахтакор туманида бу бурч унутиб қўйилмадимикан?



**Муқимжон ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»**





# АНЪАНАВИЙ МАШҒУЛОТЛАР ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?
## вазиятга холис назар

Хоразм вилояти

**Хоразм вилоятида 543 та мактаб бўлиб, уларнинг 168 таси шаҳар ҳудудида, 363 таси қишлоқ ва 12 таси олис ҳудудларда жойлашган. Вилоят халқ таълими бошқармаси маълумотига кўра, 14 сентябрь ҳолатига 310 та мактаб янги ўқув йилига тўлиқ тайёр ҳолга келтирилган. Шу санада фаолият кўрсатаётган мактаблар сони 162 тани ташкил қилган. Қолган мактаблар октябрь ойига қадар индивидуал тарзда жойлардаги ҳақиқий ҳолат ҳамда соғлиқни сақлаш тизими хулосаларига мувофиқ, маҳаллий кенгаш депутатлари рухсатидан сўнг фаолият бошлайди.**



Мутасаддилар ўтказган ўрганишлар натижаларига кўра, 232 та мактаб анъанавий фаолият учун тайёр эмас. Хусусан, 48 та мактабда бошланғич, ўрта ва юқори синфлар учун алоҳида кириш-чиқиш эшиклари йўқ. 76 та мактабда киришда пойабзални зарарсизлантириш учун дезинфекция тўшамалар, 41 та мактабда фильтр, 66 мактабда изолятор ташкил қилинмаган. 63 та мактабда қўлларни зарарсизлантириш учун воситалар йўқ. 68 та мактабда бино ичида ҳаракат йўллари белгиланмаган. 33 та мактабда расм, меҳнат ва бошқа дарслар онлайн шаклга ўтказилмаган. 74 та мактабда йиғиштириш анжомлари етарли эмас. 85 та мактабда зарарсизлантирувчи эритмаларни тайёрлаш учун алоҳида хона ва эритмалар учун катта сиғимли идишлар, 37 та мактабда қўлларни ювиш учун шароит йўқ. 38 та мактабда форточка ва фрамугалар йўқ ёки талаб даражасида соз эмас. 56 та мактабда ҳожатхоналар учун алоҳида маркировкаланган тозалаш ва ювиш анжомлари йўқ. 69 та мактабда ишлатилган ниқоб ва қўлқопларни йиғиш учун алоҳида жой ва идишлар ташкил қилинмаган. 43 та мактабда санитария талаблари, эпидемияга қарши тадбирлар ҳамда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тўғрисида кўрсатма мавжуд эмас.

Айтайлик, 14 сентябрь куни Хива тумани СЭОМ, вилоят ДСЭНБ туман филиали ва халқ таълими бўлими ходимлари иштирокида ўтказилган ўрганишлар 23-мактабда дезинфекция тўшамалар ташкил қилинмагани, ўқувчиларнинг қўлларини зарарсизлантирувчи воситалар ва совун захираси яратилмаганини кўрсатди. Мактаб биноси ички қисмида марказлашган ичимлик суви таъминоти мавжуд эмас, ичимлик суви захираси учун сиғимли идишлар билан таъминланмаган, сувни ташиб келтириш чоралари кўрилмаган. Муассасада 2 та блок ташкил қилинган бўлиб, битта блокда ўқувчилар қўл ювиши учун 1 та қўл ювгич ўрнатилган, холос. Иккинчи блокда қўл ювиш учун умуман шароит яратилмаган, блоклар тўсилмаган, изолятор хонаси тўлиқ жиҳозланмаган.

Ҳайратда қоласан киши, нима айрим муассасалар мутасаддилари янги ўқув йили бошланишидан бехабар қолдимикин?

Биз мактабларнинг тайёргарлик даражаси, ўқув машғулотлари қандай олиб борилаётгани билан янада яқинроқ танишишга жазм этдик.

Урганч шаҳридаги 14-умумтаълим мактабида 850 нафар ўқувчи таҳсил олади. Мактаб директори Комилжон Аллабергановнинг билдиришича, ўқувчиларнинг 50 фоизи анъанавий, 50 фоизи масофавий таълим билан қамраб олинган. 65 нафар ўқитувчининг барчаси коронавирусга тест топширган ва манфий натижа қайд қилинган. Мактаб фаолиятини кузатиб, карантин қоидаларига тўла амал қилинаётганини кўрдик. Онлайн машғулотлар олиб борилиши учун мактабга 16 та замонавий компьютер олинган ва оптик толали интернет тармоғига уланган.

Аммо бир саволимиз жавобсиз қолди. Ўқувчиларнинг 50 фоизи анъанавий, 50 фоизи онлайн машғулотларга жалб қилин-

## САВОЛЛАР кўп, ЖАВОБЛАР эса...

гани табиийки, ўқитувчидан икки ҳисса кўп меҳнат талаб қилади. Зеро, ўқитувчи неча ўқувчига дарс ўтгани учун эмас, дарс соати учун иш ҳақи олади. Ҳозирги шароитда эса ўз устида ишлаши, дам олиши керак бўлган вақтда онлайн машғулотлар олиб бормоқда. Онлайн машғулотлар кўп вақт олмайди, шунчаки топшириқ берилади ва уй вазифалари текширилади қабилидаги ёндашув нотўғри деб ўйлаймиз. Агар онлайн машғулотлар фақат шу тарзда олиб бориладиган бўлса, бу ўқувчиларнинг етарли билим олишини кафолатлай олмаслиги аниқ.

Навбатдаги манзил – Урганч туманидаги 44-мактабда анъанавий ўқиш ҳали бошланмаган. Директорнинг айтишича, тегишли хулосалар олинса, 21 сентябрда фаолият учун йўл очилади. Ўқув йилини карантин талаблари асосида ташкил қилиш учун тегишли тайёргарликлар кўрилган. 416 ўқувчидан 42 нафарининг ота-онаси масофавий таълим турини танлаган. Ҳозирда ҳамма ўқувчилар телевизион дарслар орқали таълим олмоқда. Мактаб тез орада оптик толали интернетга уланиши чоралари кўрилаётгани ҳам айни муддаодир.

Бироқ, ҳозирда ўқитувчилар онлайн машғулотларни шахсий мобиль қурилмалари орқали олиб бормоқдалар. Бу масала ҳам фақат ушбу мактабга ёки вилоятга хос эмас. Ўқитувчиларнинг чиқимдор бўлиб қолаётгани қонунчилигимизга қанчалик тўғри келишини баҳолашни мутасаддилар ихтиёрига қолдирамиз.

Қолаверса, бир оилада икки-уч нафар мактаб ёшидаги бола бўлса, улардан қайси биридир телевизион дарсларни ўтказиб юборишига тўғри келади. 2019-2020 йилининг тўртинчи чораги-ку, бир амаллаб ўтказилди, ўқув йили амал-тақал қилиб тугатилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пандемия ҳали-бери тугамаслигини билдирмоқда. Вазиятни ўтган ўқув йилидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилган ҳолда халқ таълими вазирлиги анъанавий ва онлайн машғулотларга пухта тайёргарлик кўришига тўғри келади. Зеро, ҳар қандай вазиятда ҳам фарзандларимиз саломатлиги билан бир қаторда муносиб билим олишларини таъминлаш ҳам давр талабидир.

Халқ таълими вазирлиги ўқувчиларнинг анъанавий ёки масофавий таълим олишини ота-оналар ихтиёрига қолдириши натижасида кўп нарсаларга ойдинлик киритилди.

Айтишларича, мазкур сўровда Хоразм вилоятидаги мактабларда таълим олаётган 352713 нафар ўқувчининг 323218 нафар (92 фоиз) ота-онаси иштирок этган. Вилоятда фарзанди анъанавий шаклда таълим олиши учун юборишга тайёр ота-оналар сони 262846 нафарни (81 фоиз) ташкил этган бўлса, 60372 нафар (19 фоиз) ота-оналар онлайн таълим тизимини афзал кўришган. Бу, аввало, анъанавий таълимнинг масофавий таълимдан бир неча баробар самарали эканлигини кўрсатади. Қолаверса, ҳамма ота-оналар ҳам (ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли) фарзандининг масофавий таълим олишини кафолатлаш имконига эга эмас. Шуниси ҳам борки, ҳозирда карантин қоидалари юмшатилганлиги туфайли иш билан банд ота-оналар учун фарзандлари масофавий таълим олиши айрим ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Айтайлик, Хоразм вилояти бўйича жами умумий ўрта таълим мактабларининг лойиҳавий қуввати 298954 ўринга мослашган. 351 мактаб бир навбатда, 192 мактаб икки навбатда фаолият олиб боради. 13 та таълим муассасасининг синфхонадаги ўқувчилари сони 20 нафар ва ундан кам. 397 мактабда бир синфда 21-30 нафаргача, 109 мактабда 31-35 нафаргача, 17 та мактабда 35-40 нафаргача, 4 та мактабда 40-50 нафаргача ўқувчи таҳсил олиб келади.

Рақамлардан англашиладики, барча мактаблар ҳам анъанавий таълим олиш истагидаги ўқувчиларни тўла қамраб ололмайди. Агар шундай қилинса, карантин қоидалари қўпол равишда бузилган бўлади.

Ўйлаб қоласан киши, ўз шароитларини ҳисобга олмасдан, таълим турини танлашни ота-оналар ихтиёрига қолдиришдан мақсад нима? Ота-оналари анъанавий таълим олишини истаган ўқувчиларнинг ҳаммасини ҳам мактабларга жалб қилиш имкони бўлмаса, ўқувчилар қайси мезонлар асосида анъанавий таълим билан қамраб олинади ва қайси меъёрларга мувофиқ, ота-оналарга фарзандларини масофавий ўқитиш тавсия қилинади? Бу ота-оналарнинг норозилигига, ўқувчилар ҳуқуқлари камситилишига олиб келмайдими?

Ҳа, таълим жараёнини таҳлил қилган сайин, саволлар кўпайгандан кўпайиб бораверади. Олдимизда эса бир ҳақиқат турибди: ҳар қандай вазиятда ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар саломатлигига зиён етмаган ҳолда келажак эгаларининг сифатли таълим олишлари, ходимларнинг меҳнатлари муҳофазаланиши ва ишига яраша рағбатлантирилиши шарт ва зарур.



**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «ISHONCH»**

Фарғона вилояти

# ВАҚТДАН ютқазилмадими?



**Ярим йиллик «танаффусдан» сўнг Данғара туманидаги 39 та умумтаълим мактабининг 11 тасида дарслар бошланди. Данғара тумани халқ таълими бўлими мудири Алимардон Содиқов берган маълумотга кўра, ота-оналар ўртасида сўровнома ўтказилганда 72 фоизи фарзандининг анъанавий усулда таълим олишини, қолган 28 фоиз ота-оналар эса масофавий таълимни маъқул кўришган. Айни пайтда мактаблар вилоят ҳокимлиги ҳисобидан 457 дона тана ҳароратини ўлчаш асбоби, 557 литр антисептик гел, туман ҳокимлиги ҳисобидан 210 литр антисептик гел, 80 дона тана ҳароратини ўлчаш асбоби, 217 та комбинзон, 205 килограмм хлор, 6 минг дона тиббий ниқоб билан таъминланган.**

Хўш, пандемия шароитида фаолиятини бошлаган мактаблар бугунги кун талабига жавоб берадими? Ҳақиқий аҳвол қандай? Мактабларда карантин талабларига риоя қилиняптими?

Туман марказидан 25 километр узоқликда жойлашган 11-мактабда 7 сентябрь куни ўқиш бошланган. Мактабга киришда ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчининг тана ҳарорати ўлчанмоқда. Қўллар антисептик воситалар билан зарарсизлантирилмоқда. Тоза ичимлик суви ва интернет тезлигидан муаммо йўқ. Синф хоналарида дезинфекция бурчаги ташкил этилган. Бироқ хонадаги қўл ювиш учун ўрнатилган сув идиши бўм-бўш. Синфхоналарда ижтимоий масофага умуман риоя этилгани йўқ. Масалан, 7-«А»синфда хонада 27 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Оралиқ масофани сақлашнинг имкони йўқ. Ҳар бир партада 2 нафардан ўқувчи ўтирибди. 10-«А» синфда ҳам худди шу аҳвол. Масофа сақланмаган. Ўқувчилар парталарга шахмат усулида ўтиргани йўқ. Мактаб директори Ойгул Қўчқорованинг айтишича, анъанавий усулда ўқишни истаган ўқувчиларнинг сони кўп бўлиб, агар ижтимоий масофага риоя этилиб, ҳар бир партага бир нафар ўқувчи ўтирса, синфга сиғмайди.

661 нафар ўқувчи таҳсил оладиган 38-мактабда ҳам дарслар 7 сентябрдан бошланган. Сўровнома ўтказилганда 221 нафар ўқувчининг ота-онаси онлайн ўқиш тарафдори бўлган. Бироқ кундан-кунга масофадан туриб, ўқиш истагини билдираётган ўқувчилар сони кўпаймоқда.

Ўқитувчилар билан суҳбатлашганимизда улар интернет тезлигидан муаммо йўқлиги, лекин интернет трафигини ўз ҳисобларидан сотиб олишаётганини билдиришди.

Мактабда 19 та ўқув хонаси бор. Лекин уларнинг бирортасида қўл ювиш учун шароит яратилмаган. Бунга канализация йўқлигини сабаб қилиб кўрсатишди.

– Синф хоналарида қўл ювишнинг иложи бўлмаса-да, мактаб ҳовлисида қўл ювиш учун шароитлар яратилган, – дейди мактаб директори Улуғбек Аҳмедов.

10-мактабда 695 нафар бола таҳсил олади. Ота-оналар ўртасида сўровнома ўтказилганда уларнинг 95 фоизи фарзандларининг анъанавий усулда таълим олишига хайрихоҳлигини билдирган.

– Ўқиш икки навбатда ташкил этилган. Биринчи навбатда 304 нафар ўқувчи таҳсил олади. Иккинчи навбатда яна 5 та синф ўқувчилари таълим олади, – дейди мактаб директори ўринбосари Маърифатхон Рўзматова.

Мазкур таълим даргоҳида ҳам 10-мактабда бўлгани каби синф хоналарида ўқувчилар ўртасида ижтимоий масофа сақланмаган. Бунга шароитнинг ўзи йўқ. 8-синфнинг 23 нафар ўқувчиси битта хонада илм олмоқда. Ижтимоий масофа сақлаб ўтиришга хона торлик қилади. Устига-устак парталар етмайди. Хона бурчагидан антисептик гел, тиббий ниқоб, салфетка ўрин олган. Лекин қўл ювиш учун шароит яратилмаган. Бу ерда ҳам канализация тармоғи йўқ.

Кузатувларимиздан шу нарса аён бўлдики, мактабларда ўқувчиларнинг ижтимоий масофа сақлаб таълим олишига етарлича шароит йўқ. Қолаверса, мактаблар канализация тармоғига уланмагани учун ҳам хоналарда қўл ювиш учун шароит яратилмаган, борлари ҳам ҳаминқадар. Бу эса мутасаддилар зиммасига катта масъулият юклайди. Лекин муаммоларни ечиш учун вақт етармикан? Ҳамма гап шунда.



**Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»**

Туризм

**Мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданияти тимсоли бўлган қадимий ва навқирон шаҳарларимизга саёҳатлар давомида ўтмиш билан чуқурроқ танишиш имконияти пайдо бўлади. Бу борада касаба уюшмалари ташкил қилаётган саёҳатлар айни муддао бўлаётир.**

## ДИЛЛАРНИ ХУШНУД ЭТГАН САЁҲАТ



Агросаноат тармоғида кўп йиллар меҳнат қилган, соҳанинг фидойилари бўлган 54 нафар сирдарёлик тармоқ аъзолари Урганч ва Хива шаҳарларига саёҳат қилишди.

– Соҳа иши тиғизлиги, кўпинча, йилнинг саёҳатга мос бўлган ойларида иш кўпайганидан бундай катта гуруҳ билан зиёрат қилишнинг имкони бўлмайди, – дейди «Қуйи Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Сайдинисо Каримова. – Аввалига, «уч кун кўплик қилмасмикин», деб ўйлагандим. Саёҳат завқи, бетакрор шаҳар билан танишишга бу фурсат айни қулайлигини англадим.

– Сафардан руҳан тетик бўлдик, маънавий озуқа олдик. Ўйлайманки, хушнуд онлар бир умрга ёдда қолади, – дейди тармоқнинг Сирдарё тумани кенгаши раиси Баҳримурод Исаев.

**Шавкат ЖАББОРОВ,**
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти масъул ташкилотчиси



Қорақалпоғистон Республикаси

«Ishonch» кўзгуси

# ЎЙИНГОҲ НЕГА БУЗИЛЯПТИ?

**Ижтимоий тармоқларда Элликқалъа тумани маркази – Бўстон шаҳридаги марказий ўйингоҳнинг бузилаётгани ҳамда унинг ўрни одамларга сотилаётгани ҳақида хабарлар тарқалди. Мазкур хабарнинг қанчалик асосли экани бўйича туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, бузилаётган марказий ўйингоҳда бўлдик.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

ӨЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСЫ ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ЕЛЛИКҚАЛА РАЙОНЛЫҚ ҲӘКИМЛИГИ

№ 03-357

2020 йил «3» апрел

Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазири Г.БАЙНИЯЗОВга

Ўзингизга маълумки, Бўстон шаҳридаги марказий ўйингоҳ 15 минг томошабинга мўлжалланган бўлиб, 1991 йилда қурилган. Ўтган давр мобайнида таъмирлаш ишлари олиб борилмаганлиги сабабли, трибунанинг бетон зинапояларида ҳамда ён томондаги деворларда ёриқлар пайдо бўлиб, ҳозирги кунда авария ҳолатига келиб қолган. Шу сабабли марказий ўйингоҳда спорт машғулотларини ўтказиш хавфли эканлиги аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан ушбу марказий ўйингоҳнинг авария ҳолатидаги қисмини бузишга рухсат беришингизни ҳамда қолган қисмини капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурга киритишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Илова ___ варақда.

ТУМАН ҲОКИМИ: С.АВЕЗОВ



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI DENE TÁRBIYA HÁM SPORT MINISTRLIGI

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI JISMONIY TARBIYA VA SPORT VAZIRLIGI

230100, Qaraqalpaqstan, Nókis qalasi, S.Kamalov kóshesi 1-úy.
Tel., faks: (8 361)222-94-16

«3» апрель 2020 й

Элликқалъа тумани хокими С.Авезовга

Сизнинг 2020 йил 3 апрелдаги 03-357 сонли хатингизга:

Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Сизга, Элликқалъа тумани Бўстон шаҳридаги 1991 йилда қурилган 15 минг томошабинга мўлжалланган марказий ўйингоҳнинг авария ҳолатидаги қисмини бузишга эътирозимиз йўқлигини маълум этамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазири Г.Байниязов





– 15 минг нафар томошабинга мўлжалланган ушбу стадион 1991 йилда қурилган бўлиб, ўтган давр мобайнида у таъмирланмаган, – дейди Элликқалъа тумани ҳокимининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Азимжон Қурбонов. – Шу боис, трибунанинг бетон зинапоялари ҳамда ён томонидаги деворларда ёриқлар пайдо бўлиб, стадион авария ҳолатига келиб қолган. Стадионда 2012 йилдан буён ҳеч қандай тадбир ва спорт машғулотлари ўтказилмайди. Ҳозирда стадионнинг бир қисмини бузиб, қолган қисмини капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурга киритиш чораларини кўрмоқдамиз. Бу бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигидан рухсат олинган. Ижтимоий тармоқлардаги стадион бузилиб, унинг ўрнига хусусий уй қуриш учун фуқароларга сотилмоқда, деган миш-мишлар асоссиз. Буни ким ва қандай мақсадда тарқатгани номаълум. Туман марказида 2,5-3 минг нафар томошабин сиғадиган чиройли, замонавий стадион қуриш мақсад қилинган. Келгусида стадионга махсус қоплама ва югуриш йўлаги ётқизилади. Устига эса махсус соябон тортилади. Кейинчалик мазкур ўйингоҳда нафақат спорт машғулотлари, балки йирик тадбирларни ҳам ўтказиш мумкин. Ортиқча ер майдонлари эса майсазорга айлантирилади. Бу ерда ҳеч қандай уй қурилмайди!

Бўстон шаҳридаги марказий ўйингоҳнинг қошида Маданият саройи ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаби жойлашган. Стадионнинг ташқарисидан қаралганда, у худди катта тупроқ уюмига ўхшайди. Бунинг сабаби шуки, стадионнинг ташқариси тупроқ билан қуршалиб, ички қисмига трибуналар жойлаштирилган. Ҳозирги пайтда унинг бир қисми бузилиб, ундан чиққан чиқиндиларни одамлар олиб кетмоқда.

Стадионни бузиш учун харажатлар бюджетдан ажратилмагани боис, хоҳловчиларга тупроқ ва турли чиқиндиларни олишга рухсат берилган. Буни эса айримлар нотўғри талқин қилишган, холос...



**Есимхон ҚАНОАТОВ,**
**«ISHONCH»**

Эълон

## «SPARTAK KONSALTING» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:*

Аукцион савдосига «Агрокимёҳимоя» АЖ Яккатут туманлараро ихтисослаштирилган махсус базасининг шу йил 11 сентябрдаги 01-110-сонли буюртма-хатига асосан қуйидаги мулк қўйилмоқда.

Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Ю.Ҳамадоний кўчасида жойлашган, умумий майдони 400,0 $м^2$, қурилиш майдони 121,86 $м^2$ ва фойдали майдони 121,86 $м^2$дан иборат бўлган «Минерал ўғит сотиш савдо дўкони».

Бошланғич баҳоси – 79 552 915 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Аукцион савдоси 2020 йил 17 октябрь куни соат 11:00 да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.

**Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати**: 2020 йил 16 октябрь, соат 18:00.

Мазкур бино шу йил 17 октябрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда биноларнинг такрорий аукцион савдолари шу йилнинг 24, 31 октябрь ва шу йилнинг 7, 14, 21, 28 ноябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида бинога бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:**

– савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари;

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – паспорт нусхаси;

– хорижий юридик шахслар – улар уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

– хорижий фуқаролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

– Ўзбекистон Республикасида доимий ва яшаш гувоҳномасига эга булган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Савдолар учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Буюртманомалар иш кунлари (шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо кунига қадар «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрақамига (банк: «Ипотека банк»нинг Бухоро шаҳридаги Сардор филиали, ҳ/р:20208000804942181001, МФО: 00119, СТИР: 302131286) тўлашлари шарт.

**Манзил:** Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй. **Телефон:** (0-365) 221-51-81. **E-mail:** spartak-konsultinq@umail.uz. **Веб-сайт:** www.sk7.uz

**Лицензия RR 0079**

Эълонлар

## «BEST REALTOR» МЧЖ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади:**

Аукцион савдосига «Қўқон 2-сонли пахта тозалаш заводи» АЖ билан 16.09.2020 йилда тузилган 92-сонли шартномага асосан Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, «Сариқўрғон» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1,6726 га., умумий қурилиш ости майдони 4565,62 $м^2$. дан иборат бўлган «Сариқўрғон дам олиш маскани» бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 93 357 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йилнинг 19 октябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 16 октябрь соат 16:00.

**Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган хужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси – «Best realtor» МЧЖнинг қуйидаги ҳисобрақамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 5004 3360 1001. МФО: 00445. «Капиталбанк»нинг Тошкент шаҳар филиали, СТИР: 303179580. ОКОНХ:84300.

**Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3- қават. **Телефон:** (99895)402-54-75. **Электрон манзил:** www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

**Лицензия RR-0225.**




«Тиканли» қатралар



### Учар аёлнинг уч гапи

Ўринбосарларга:

– Хайрият, сизлар бор экансизлар, бўлмаса қолган бўлим бошлиқлари мени «еб» ташлашарди.

Бошлиққа:

– Бахтимга сиз борсиз, бўлмаса ўринбосарларингиз ўртасида «нимталаш» бўлардим.

Ҳамкасбларига:

– «Катталарга» ялтоқланмай ишлашни ўрганинглар.

### Ғурур

У ғурури баланд йигит эди.

Уйланди. Болалари яхши тарбиялансин, деб опахонларга ялинди, ўқишга киритаман, деб акахонларга бош эгди, ишга жойлайман, деб амалдорларнинг йўлига поёндоз солди.

... Бир кун қарасаки, ғурурдан асар ҳам қолмабди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнат фахрийси **Асқарали СУЛТОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси «Меҳнат иқтисодиёти ва бошқарув» кафедраси мудири, профессор Нодира Зокировага онаси **Бибиойша АБДУРАҲМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳлар: С. Шодиева, З. Холмуҳаммедова

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**
Топширилди – **21:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 917.** **27841** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5

**Баҳоси келишилган нархда**

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130